
Мини-футбол бўйича ДХХ Раиси кубоги ўтказилмоқда
Ёшлар қудратли давлатимизнинг эртанги куни, янги Ўзбекистонимизнинг
пойдевори саналади.

Зеро, уларнинг соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишлари мамлакат
истиқболини белгилаб беради.

Шу маънода, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев
ташаббуси билан илгари сурилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини ҳаётга
жорий этишда Давлат хавфсизлик хизмати ҳам ўзининг сезиларли ҳиссасини
кўшиб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб, юртимизнинг ҳар бир гўшасида
мини-футбол бўйича ДХХнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда
Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқлари кубоги ўтказилди.

Унда 18-30 ёш оралиғидаги ёшлардан иборат 7779 та жамоа муносиб иштирок
этди.

Туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган энг кучли
14 та жамоа 12-15 июнь кунлари пойтахтимиздаги “Бунёдкор” стадионида ДХХ
Раиси кубоги учун ўзаро куч синашади.

Биринчи ўринни эгаллаган жамоага улар истиқомат қиласиган туманда мини-
футбол майдони, иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган жамоаларга эса
улар яшайдиган туманларда “Workout” майдончалари қуриб берилади.

Шунингдек, “Энг яхши ўйинчи”, “Энг яхши тўп урар”, “Энг яхши дарвозабон” ва
“Энг яхши мураббий” номинациялари бўйича ғолиблар ҳам аниқланади.

“Соғлом ёшлар - янги Ўзбекистон келажаги” шиори остида ўтказилаётган ушбу
мусобақалар ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун яна бир
имконият саналади.

Таъкидлаш лозимки, ДХХ Раиси кубогини ўтказишдан кўзланган мақсад ёшлар
орасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш,
шунигдек, уларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатdir.

ДХХ матбуот хизмати

2021-06-11 19:51:42